Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 2 (2024) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb muammolari, yechimlari va istiqbollari” mavzusidagi ilmiy-amaliy...

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Сатвалдиев Азизжон Ахмаджонович,
ТДИУ, Андижон факультети маънавият ва ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари психология фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш “га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди. Бешинчи мақсаднинг вазифаларига (Гендер тенглик) мувофиқ, 2030-йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситилишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий,иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва ятакчилик қилиш учун тенг имкониятларни, ушбу мақсад давлатнинг турли даражаларида Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади. Президентимиз 2022-йил 25-июл куни ,,Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси тасдиқлаш тўғрисидаъги фармони имзоланди. Фармон билан Молия вазирлиги таркибиди юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ижтимоий суғурта жамғарма-си ташкил этиш кўзга тутилди. Келгусида давлат ижтимоий суғуртаси бўйи-ча бериладиган нафақалар ,,Ижтимоий ҳимоя ягона рейестриъ ахборот ти-зими орқали босқичма-босқич тўланади. Хусусий секторларда ишлаёт-ган аёлларга давлат томонидан тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш на-фақаси миқдори 2 миллион сўмни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенглиш таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзела Норбоева. Танзела Норбоева гендер тенгликни таъминлаш масаласи дун-ёда ўз долзарблигини йўқотмаганини таъкидлади . Бу бежиз эмас, чунки гендер тенгликка эришиш жамият ҳаётининг барча жабҳаларида барқарор тараққиётга эришишнинг асосий пойдеворидир.

Ўзбекистонда тадбиркорлик мотивацияси масаласи ижтимоий психологиянинг объекти ҳамда предмети сифатида ўрганилган. Ўзбекистондаги тадбиркорлик фаолиятининг айрим ўзига хос жиҳатлари, хусусан, унинг ёшлар ва катталарга хос жиҳатлари, самарали фаолиятни таъминловчи ижтимоий психологик омилларга ўз эътиборини қаратган ва муайян муваффақиятларга эришган ишларида профессионал карьера ва компетенциядаги мотивация масаласига алоҳида эътибор берилмоқда, бунда ушбу психологик жараённинг айрим гендер хусусиятлари ва тафовутлар ҳам аниқланмоқда. Лекин изланишларида аёллар тадбиркорлиги ёки оилавий тадбиркорликнинг самарадорлигини таъминловчи шахсий ва ижтимоий психологик шарт-

Published: 28.03.2024
Cite this article: Сатвалдиев Азизжон Ахмаджонович (2024). Мамлакатимизда тадбиркор аёлларини қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усуллари. Emro Science and Education, 1(2). https://journal.emro.uz/public/maqola/155
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

шароитлар алоҳида тадқиқот предмети сифатида ажратилмаган. Лекин унинг изланиши бу борадаги дастлабки ижтимоий психологик тадқиқот эканлиги билан илмий ва амалий жиҳатдан аҳамиятлидир.

Хотин-қизлар бошқарувига бағишланган “Ўзбекистон шароитида тадбиркорликни бошқарувчи хотин-қизларнинг ижтимоий психологик мақомини ўрганиш, улардаги гендер менежмент ва унинг атрофидаги феноменлар доирасида шахсий хусусиятларининг ўзига хослигини тадқиқ этган ҳолда уларни самарали раҳбарлик фаолиятига тайёрлаш, иқтисодий жиҳатдан аёлларни рақобатбардош қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга фаол муносабатни шакллантириш, ишбилармон, тадбиркор, менежмент соҳасида билимдон қилиб вояга етказиш, шу билан бирга оилавий мақомларини ҳам йўқотмасликка ўргатишда амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин”[1].Ўзбек хотин-қизларининг замонавий ва миллий фазилатлари, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ўрни масалалари. хотин-қизларни миллий демократик тараққиёт нуқтаи назаридан ўрганишга ёрдам беради. Мустақиллик туфайли “Хотин-қизларнинг тенглиги ва озодлигини тўла рўёбга чиқариш, янгича тафаккур, эркин фикрлаш ва дунёқарашини шакллантириш, ижтимоий ҳаётда аёлга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, Шарқ аёлига хос момо мерос, ахлоқий гўзал қадрият ва фазилатларни кенг камол топтириш зарурати мустақил юртимизда давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Ўзбек аёлларининг маданий ва маънавий, ҳуқуқий-ахлоқий, интеллектуал салоҳиятини ошириш, оиладаги оналик бурчи ва масъулиятини миллий, умуминсоний нуқтаи назардан чуқур англаб етиш ва амалиётга риоя қилишга одатлантириш мустақиллик тамойилининг асосий вазифасидир. Аёллар жамиятнинг энг эъзозга сазовор, ҳурмат-иззат, ғамхўрлик ва эътиборга лойиқ ижтимоий тоифасига айланмоқда... Демак, аёлни улуғлаш – оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлашдир.” Ушбу фикрларини давом эттириб, ўзбек аёлига хос бўлган инсоний, маънавий фазилатларни қайд этиб, Х.О.Шайхова замонавий аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ҳам кўрсатади. “Бирор соҳа йўқки, – деб ёзади у, – аёл ўз билими, фаоллиги, истеъдодини намоён қилмасин. Мулкдорлар синфи вакили, тадбиркор, фермер, кичик ва қўшма корхона соҳиби, тижоратчи, бизнес ва менежер каби касб эгалари ёки мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида минглаб иқтидорли, салоҳиятли, ақл-заковатда ўктам аёлларнинг фаолият кўрсатиши шаклланаётган фуқаролик жамиятимиз учун оддий ҳолдир. Дарҳақиқат, раҳбарлик ва бошқариш ишларида аёллар сони кўпайиб бормоқда”[1].

Бугун нафақат тадбиркор аёллар, балки фермер аёллар билан ҳам ишлашга, уларнинг таклиф ва муаммоларини ўрганиб, қишлоқ хўжалигига инновацион ғояларни татбиқ этиш, меҳнат самарасини ошириш, уларнинг экспортбоп

[1] Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б.88.

маҳсулотлар ишлаб чиқаришларига кўмаклашиш бўйича муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Йил бошида “Аёллар фермерлигида инновациялар – ривожланиш ва рақобат асослари” мавзусида 1-Халқаро конференцияси ўтказилди. Конференция ишида 250 нафар фермер аёллар, 10 нафар халқаро экспертлар, ҳукумат вазирлик ва бошқарув ташкилоти вакиллари иштирок этдилар. Фермер аёллар ва инвесторлар билан инновацион ҳамкорликни кенгайтириш, қишлоқ жойларида истиқболли инклюзив бизнес лойиҳаларни амалга ошириш, фермер аёллар ишлаб чиқаришига инновацион технологияларни татбиқ этиш тизимли механизмини яратиш бўйича ишлаб чиқарилган таклифлар тегишли давлат органларига тақдим этилди.

Мамлакат тадбиркор аёлларини қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усулларидан бири – уларнинг фаолиятига моддий кўмаклашиш, яъни тадбиркорлик фаолиятларини имтиёзли кредитлар билан таъминлашдир. 2017 йилда “Тадбиркор аёл” уюшмаси ва “Микрокредитбанк” АТБ ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандумига асосан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 10 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, минглаб тадбиркор аёлларимиз ушбу маблағлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесларини ривожлантиришга, юзлаб янги иш ўринлари ташкил қилишга муваффақ бўлган эдилар. Бу йил ҳам ушбу яхши анъана давом эттирилиб, “Микрокредитбанк” АТБ, “Ҳамкорбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ, “Ипотека банк” АТБлар билан тадбиркор аёллар учун имтиёзли кредит ажратилиши масаласида музокаралар ўтказилди. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган “Анор-2018” миллий танлови Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилиш келишиб олинди.

Бундай уюшмалар ёки марказларнинг машғулотларида қатнашувчилар ёки клубларга аъзо бўлаётганлар муайян тоифа хотин-қизлар бўлиб, улар кейинчалик бу билимларни ўз фаолиятларида жуда кам намоён этадилар ёки машғулотларга мунтазам қатнашмайдилар. Чунки бу машғулотлар учун етарли даража услубий база яратилмаган, мавжуд ўқув дастурлари маҳаллий шароитларга мослаштирилмаган ва уларда бошқарув компетенциясини оширувчиларнинг психологик жинсга оид қонуниятлар махсус тарзда ўрганилмаган. Шу сабабли ҳам бизнес соҳасидаги хотин-қизлар ўз иш-фаолиятларида жуда катта маънавий, аҳлоқий ва психологик тўсиқларни, зиддиятларни бошдан кечиришга мажбур бўладилар. Шундай тўсиқ ёки психологик барьерлардан бири – «Шаффоф шифт» феномени бўлиб, у хотин-қизлар қанчалик иқтидорли бўлмасин, холис ният билан карьерага эришишлари осон бўлмайди... Шу каби феноменларнинг Ўзбекистон шароитида қандай намоён бўлиши ва ўқув дастурларида уларнинг ижобий ёки салбий жиҳатларини инобатга олган ҳолда мақбул ижтимоий установкаларни

шакллантириш илмий-амалий аҳамиятга моликдир. Чунки Ўзбекистонда, биринчидан, аҳолининг ярмидан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади; иккинчидан, айнан хотин-қизларнинг бошқарувчанлик қобилиятлари очиқ намоён бўлиши лозим бўлган соҳалар – соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, фан, ижтимоий лойиҳалар, маҳалла доирасидаги ишлар кабилар бугун жамиятимизнинг барқарорлиги ва эркин фуқаролик жамияти қуришда катта роль ўйнади. Уларда раҳбар ва лидер хотин-қизларнинг ўз муносиб ўринларини топишидан нафақат хотин-қизларнинг ўзлари, балки яхлит жамият ҳам манфаатдор. Учинчидан, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасида муносиб ўрин эгаллашлари учун барча шарт-шароит, қонуний база яратилган”. Демак, Ўзбекистонда гендер-менежмент бошқарув йўналиши ва хотин-қизларни самарали бошқарувга тайёрлашнинг муҳим йўналиши сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шунга ўҳшаш оила муҳитининг, ота-оналик муносабатларининг фарзандларга гендер таъсири, қиз бола ва ўғил болада шаклланадиган айрим ижтимоий психологик фазилатларнинг намоён бўлиши муаммоси М.Салаева тадқиқотларининг предметига айланган. Жумладан, у қўлга киритган хулосалардан бири, “Ўзбек оилаларида оналарнинг оталарга нисбатан фарзандларга ўта ғамхўрлиги, яъни уларни қийинчиликлардан сақлаш, зиён етказиб қўйишдан қўрқиш, фарзанднинг ўзига боғланганлиги ва тобелигини рағбатлантириш, уларда шаҳвонийлик ва тажовузкорликни босиш каби хусусиятларнинг кучлигиги, оналарда оталарга нисбатан демократиклиликнинг кучлилиги исботланган”[1]. Бу сифатлар, табиий истиқболда фарзандлардаги лидерлик ва етакчиликка таъсири бўлиши мумкин, деган хулосага олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Каримова В. Гендер-менежмент. Ўқув қўлланма. – Т., 2010 – Б. 35.
2.Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009;
3.Шайхова Х. Баркамол авлод – ахлоқий- қадриятлар қуршовида. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ инст. нашр., 2010
4.Шайхова Х. Ўзбек аёли – одоб тимсоли. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007;
5.Салаева М. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар узаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психол.фан. ном. даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2005. – Б. 18.
6. А.Сатвалдиев. “Шахс маънавий маданиятини юксалтиришда таълим тизимини ўрни” ФарДУ Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш шароитида шахс маънавий маданиятини шакллантиришнинг фалсафий омиллари (2017-йил 31-май) 77-79 бетлар.

[1] Салаева М. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар узаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психол.фан. ном. даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2005. – Б. 18.